



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 14-dekabr №51 (4501)

Хайриддин СУЛТОНОВ

ОЛАТОВ ЧЎҚҚИЛАРИДЕК ЮКСАК, ИССИҚҚЎЛ СУВЛАРИДЕК ТИНИҚ ИЖОД

(Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб,
Ўзбек миллий академик драма театрида ўтказилган
анжумандаги нутқ)

Ассалому алайкум, мухтарам устозлар, азиз дўстлар!

Хурматли қирғизистонлик меҳмонлар!
Адабиётимиз ва санъатимизнинг қадрли мухлис-лари!

Биз бугун ушбу мухтарам қошада маънавий ҳаётимиздаги улкан бир воқеа – буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Тўрақулович Айтматов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан тўплавий турибмиз.

Авалло, мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев номларидан сизларни, бугунги анжуманга йиғилган иштирокчилар ва меҳмонларимизни самимий қутлаб, барчангизга у кишининг хурмат-эҳтироми ва эзгу тилаклари билдиришга ихозат бергайсиз.

Маълумки, ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан бир-бири билан елкадош, тақдирдош бўлиб яшаб келади. Асрлар синовидан ўтган бундай дўстлик ва қардошлик кейинги вақтда тобора мустаҳкамланиб, янгича мазмун ва руҳ билан бойиб бораётгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Хусусан, икки давлат раҳбарлари томонидан амалга оширилган олий даражадаги таширлар да-вомидида халқларимизни янада яқинлаштириш, дўстлик ришталарини кучайтириш борасида тари-хий аҳамиятга эга келишувларга эришилди ва улар изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ало-қалар тарихида янги давр бошланган бугунги

кунда улуг сўз санъаткори Чингиз Айтматовнинг ўлмас бадий мероси янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мухтарам Президентимиз бутун халқимиз қато-ри Чингиз Айтматовнинг бетақдор ижодида доимо юксак эҳтиром билан муносабатда бўлиб келаёт-гани сизларга яхши маълум.

Бу борада "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига кенг нишон-лаш тўғрисида" жорий йил 2 апрелда қабул қилин-ган Президент қарори ана шундай эҳтиромнинг яна бир амалий тасдиғидир.

Қарорга асосан, мутафаккир адибимизнинг ноёб адабий меросини кенг тарғиб этиш, унинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш борасида мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилди ва улар ҳақида бугунги анжуманимизда атроф-лича сўз юритамиз, албатта.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг бе-восита ташаббуси билан юртимизда қардош халқ-лар адабиётининг муносиб сиймолари, жумладан, Абдурахмон Жомий, Махтумқули – Фирогий, Абай Қўнонбоев, Якуб Колас сингари улуг ижодкорлар-нинг адабий меросини ҳар томонлама ўрганиш бўйича улкан ишлар қилинмоқда. Шу маънода, 2018 йил Ўзбекистонда адабиёт йили, маънавий ва маърифат йили бўлди, деб айтишга барча асос-ларимиз бор.

Мухтарам Президентимиз ўтган йили Чингиз Айтматовнинг Ўзбек тилида нашр этилган "Сайлан-

ма" асарлар тўпламига сўзбоши ёзиб, ушбу китоб-нинг биринчи нусхасини Қирғизистон раҳбарияти-га тақдим этганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Маъмур сўзбошида ғоят ўринли таъкидланган-идек, "Чингиз Айтматов нафақат қирғиз халқи, айти пайтда, бутун туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва суюкли сиймодир".

Дарҳақиқат, Ўзбекистон дунёда Чингиз Айтматов асарлари энг кўп таржима қилинган ва нашр этил-ган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Юртимиз-да унинг китоблари кириб бормаган биронта хона-дон, биронта маърифат масканини топиш қийин.

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллик қутлуг байрами нафақат Қирғизистон ва Ўзбекистонда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида қизгин ни-шонланмоқда.

Жумладан, Туркий маданият халқаро ташкилоти – ТУРКСОЙ томонидан 2018 йил Чингиз Айтматов йили деб эълон қилинди ва бу борада ғоят муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида ёзувчининг мухтарам хайкали ўрнатилди. Беларусь пойтахти Минск шаҳрида Чингиз Айт-матов номи билан аталадиган маданият ва исти-роҳат боғи ташкил этилди.

Ўнлаб давлатларда адибнинг китоблари минг-минглаб нусхаларда нашр қилинмоқда. Асарлари асосида янги-янги бадий фильмлар, спектакллар яратилмоқда.

➤ 2

ИЖОД МАҚТАБЛАРИ

Дунё деганлари сержилва, башанг,
Унга учма, ҳақ йўл бордир, жумладан:
Диллари тилларни билмоқ истасанг,
Ибрат олиб яша Ибрат домладан.
Иймон, илму ирфон – нажот мактаби,
Бу азиз бир зотнинг ижод мактаби.

Водийларни яёв кезмоқдан мурод,
Шодлик ва бахт неди, англаш матлаби.
Кўкдан келаётган бир нурли имод –
Уйғоқ яшаб ўтган дарёлар каби.
Шу Ватан, шу халқнинг обод мактаби,
Ҳамид Олимжоннинг ижод мактаби.

Ҳар йили баҳордан этгай хабардор,
Опоқ ифор сочиб ўрик гуллари.
Устод башоратин айтаман тақдор,
"Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали".
Муҳаббат, садоқат – сабот мактаби,
Зулфияхонимнинг ижод мактаби.

Кунхўжа, Бердақдан садолар берган,
Ажиниёз бирдан гулгун сўзларим.
Қорақалпоғимга мен ҳам бир фарзанд,
Ғозлар қанотида қолмиш кўзларим.
Қорақалпоқ элин шаън, ёд мактаби,
Ибройим ғанининг ижод мактаби.

Ўзбегим, э воҳ – сўз, кўк қалар юксак,
Қалбингга кутку ва шон солсин, дейман.
Хувайдо, Муқимий Ватандир бешак,
Боғинг Ватан деган ном олсин, дейман.
Энг латиф, энг тоза баёт мактаби,
Устоз Эркин Воҳид ижод мактаби.

Қачон поён топгай йиллар армони,
Иймондек азизсан, жон Ўзбекистон.
Маним кўп асрлик дардим дармони,
Шеърят, шеърят, жоним, Онажон.
Асли адабиёт – ҳаёт мактаби,
Абдулла Орифининг ижод мактаби.

Қизғалдоқзор дала дўстимдир, эркам,
Райҳон исларига тўлиқ бу хитоб.
Аллоҳ неъматидир қолса гар сендан,
"Икки мисра шеър бир сандиқ китоб".
Эл меҳри, юрт шик – мурод мактаби,
Муҳаммад Юсуфнинг ижод мактаби.

Кўнглимни булбулдек қуйларат ҳаёт,
Ошиқ боболардан бу най навоси.
Муқаддас тупроқни сўйларат ҳаёт,
Ҳар кимга ёр бўлсин элнинг дуоси.
Янги ғоя, янги авлод мактаби,
Ижод мактаблари, ижод мактаби.

Ғайрат МАЖИД

МЕҲРУ ОҚИБАТ ТАРАННУМИ

Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳри қадимдан "Шарқ дарвозаси" деган му-борақ ном билан машҳур. Буюк Ипак йўли узра қаровлар оқими бугун ҳам замонавий кўринишда давом этаётган.

лигини мустаҳкамлашга хизмат қилади-ган турли тадбирлар ташкил этилади», деди Н.Назарбоев ўша тадбирда ОАВ хо-димларига тушунча бериб.

Шу муносабат билан жорий йил да-вомидида "Ўзбекистон йили" доирасида Қозоғистонда ўзбек рассомлари, халқ ус-талари хунармандлик яр-маркаларини ўтказиш, мусиқа ва театр жамоаларининг гастролларини уюшти-риш, Остона, Алмати ва Қозоғистоннинг бошқа вилоятларида ўзбек тили, мада-нияти ва анъаналари кўнлари бўлиб ўтиши режалаштирилган эди.

Яқинда шундай тадбирлардан бири — Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида Қозоғистон ўзбеклари этномаданий бирлашмалари "Дўстлик" жамияти ва Мухтар Ауезов номидаги Жанубий Қозо-ғистон давлат университетининг махсус Қозоғистон Халқи Ассамблеяси кафе-драси билан ҳамкорликда "Биз бир халқ-миз" номли концерт дастури бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мил-латлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқала-ри қўмитасидан вакиллар, шоир ва ёзувчилар, бир гуруҳ санъаткорлар иштирок эди.

➤ 4

Бугунги кунда ижодий жамоалар ўртасида ўзаро мулоқот ўрнатилгани, бир-бирдан ижодий сабоқ олаётгани, иш-тоб билан ўзгараётгани замон талабидир. Бу жараёнда театр фестиваллари айнан мулоқотга киришишнинг энг таъсирли, самарали туридир. Яқинда бўлиб ўтган ёш режиссёрларнинг "Дебют — 2018" кўрик-фестивали биринчи навбатда санъат мухлис-ларига ана шундай имкониятни юзага чиқарди.

ЁШЛАР КЎЗИ БИЛАН КЎРИНГ ДУНЁНИ...


"Дебют — 2018"дан кейинги ўйлар



Шу ўринда Президентимизнинг "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чин-гиз Айтматов таваллудининг 90 йил-лигига кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори асосида адиб асарларининг саҳналаштирилиши театрларимизга шухрат олиб келганини таъкидламоқ-чимиз. Жумладан, "Дебют" фестива-ли дастуридан ўрин олган спектакл-ларнинг тўрттаси айнан Ч.Айтматов асарлари асосида саҳналаштирил-ган. Ушбу асарлар ижодкорлари эътирофга сазовор бўлишди.

Фестивалнинг асосий мезбони сифатида дастурдан ўрин олган 17 спек-таклнинг 6 таси айнан Ўзбек миллий академик драма театрида намойиш этилди. Меҳмондўстликда етакчилик қилиб келаётган отахон театримиз, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий, Ўзбекистон давлат драма, Ёш томошабинлар ҳамда Кўғирчоқ театрларида мутахассислар ва мухлис-лар чинакам санъат воқелигининг гувоҳи бўлдилар.

➤ 5



АСРГА ТАТИГУЛИК КҮН

Буюк адиб Чингиз Айтматовнинг асарларини юртимиздаги ҳар бир мак-табда учратасиз, қолаверса, ҳар бир ўзбек хонадони китоб жавонидан ўрин олган ва қайта-қайта севиб ўқилади. Адиб яратган турфа тақдирли қиёфа-лар саҳналаштирилган спектакллар, кинофильмлар орқали халқимиз қал-бидан чуқур ўрин олган. Албатта, бу меҳр буюк адибнинг асарларида азал-дан илдири бир бўлиб келган туркий халқларнинг миллий қадриятлари, орзу-армонлари, миллий анъаналари теран акс этганидан далолат.

Атоқли жамоат арбоби сифатида Чингиз Айтматовнинг Ўзбекистонга хур-мати чексиз эди. Адабиётимиз, маданиятимиз тарихини юксак баҳолаб, «Қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўна Ви-зантиянинг қадим Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин» деган пурмаёно сўзлари, ўз тақдирини ўзбек халқи тақдирига ўхшатиши унинг ана шу улкан меҳр-муҳаббатининг ифодаси бўлган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 2 апрелда қабул қилган "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори буюк ижодкорга юксак хур-мат-эҳтиром рамзи бўлиб, унинг ибратли ҳаёти ва ижодини эътироф этиш, улуглаш йўлида янги даврни бошлаб берди, қардош қирғиз халқи билан яқин қўшничилик ҳамда дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлади, ада-биёт, маданият соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтирди, ёшларни инсонпар-варлик руҳида тарбиялашда муҳим омили бўлди.

12 декабрь – буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллуд топан кун Тошкент шаҳрида ва мамлакатимизнинг барча вилоятларида муносиб нишонланди. Аслини олганда, ўзбек халқининг адибга бўлган меҳри туфайли қарор қабул қилинган кундан буён мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, илмий анжуманлар, адабий кечалар ўтказиш жараёни бошланган эди. Ўтган қисқа давр мобайнида адиб ижодига ба-ғишланган юзлаб тадбирлар ўтказилди, "Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон" номли хотира китоби, "Сайланма" асарлар тўплами чоп этилди. Ўзбек мил-лий академик драма театри ижодкорлари "Жамила" ҳамда Бердақ номида-ги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида "Соҳил ёқалаб чапаёт-ган олапар" қиссаси асосида "Лувр ўрдаги" номли спектакл саҳналашти-рилди, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан қирғизистонлик ижод-корлар билан ҳамкорликда "Сарвқомат дилбарим" бадий фильми суратга олинди. Ўзбек Миллий академик театрида ўтказилган анжумандан кейин "Икки халқ фарзанди" номли ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

➤ 2



Абдулла ШЕР

МАЪРИФАТ АПАЛАЖАН КЎНГИЛДАГИ ИЛОҒ



Келмиш

балладалари

1. АТТИЛА

Эндиликда Аттила реал тарихда ўз муносабатларини эгаллаши учун, адабиётда унинг ҳаёти ҳаққоний акс этирилиши учун ҳаракат қилишимиз керак, токи халқ унинг номидан ва буюк ишларидан яхши хабардор бўлсин.

Чингиз Айтматов

I

Мен ҳаёл отида учаркан гоҳ-гоҳ, Ҳамсафар бўлади ёнимда хунлар; Тарих варағини ёндириб, ногоҳ Туркийлар тигидан сачрар учкунлар.

Учкунлар оралаб, гулхан оралаб, Уфқни иккига ёради лашкар; Гарбининг киндигини тун-кун қоралаб, Кўк Бўри кетилан боради лашкар.

Саҳройи тулпорлар пишқиригидан Булутлар тарқалиб, очилар қуёш. Туркона бозмлар қийқиригидан Жаранглаб кетади тунда тоғу тош.

Чексиз кенгликларга бахш этганча шон, Шамолу қуёшни дўст тутган халқ бу!

Ёвларни қақшатиб доим беомон, Кўк Тангри ҳукмига кўз тутган халқ бу!

Бу халқнинг достони, қўшиқлари бор, — Қиличнинг дамида янграб яшаган. (Тарихнинг биз билмас бўшлиқлари бор, Ютиб тўймагучи қаръга ўхшаган!)

Шу халқдан титрайди ёлгончи дунё... Туёқлар товуши, ўту тутунлар... Эдил ботир бошин тарқ этмас Ҳумо, Зафарни зафарга улайди хунлар.

Майдонга бўрондек кириб Олтинёл, «Кулундаги дови билан кишнайд». Кўёшни қувалаб бораркан ҳилол, Туркийлар эгарда, ҳатто қишлайди.

Патли ўқ қанотдек билмайди тиним, Кўк Тангри қўлайди суюқ ўғлонни... Ниҳоят бебош тиг топади қинин Қиличдан ўтказиб сўнгги қурбонни.

Бас, тизгин тортилар, қозиқ қоқилар, Отларнинг қўймичи титрайди дир-дир: Бас, энди тинчликка иқтидо қилар Аттила аталган хон Эдил ботир.

Чарақлаб кетади ногаҳон осмон У илк бор Магрибда тож кийган кун. Қадимий олмонлар битаркан достон, Энг одил қирол деб мадҳ этар уни.

Румо папаси ҳам ҳурмат кўрсатиб, Таъзимда голибининг жиювин тутар. Улуғ Турк ҳоқони ҳиммат кўрсатиб, Душманлик ҳиссини шунда унутар...

II

Асрлар ўтдилар, ўтдилар йиллар Гоҳ учкур оҳудек, гоҳ филдек секин. Худудлар ўзгарди, ўзгарди тиллар, Аттила шарафи яшайди лекин.

Гарчандки аламдан отди баъзилар Ўз асри тошини номига унинг, Бироқ ҳар йил бир бор қиёмат қадар Шарқдан кундек чиқар Улуғи Туркнинг, —

Қаърни писанд қилмай янграб овози Кунолар асридан, қумлар асридан!.. У тушмас эгардан бўлиб порози Бугун пароканда — ожиз наслидан.

Олтинёлни қичаб, уфқ бўйлаб елар, Адамчи тарихлар тортади хира... Кўмағай Аттила — муқаддас гавҳар Буюк Турк қавмининг тожидан сира!

2. БЕВА ҲАҚИДА

(“Тоқат” туркумидан)

Жажжигина орзуни Собиб бешикка, Тебратиди ёш жувон Қараб эшикка.

У билади кутгани Кирмайди энди, Чақалоғи отасини Кўрмайди энди.

«Нега қўйдинг қулбамга, Қанотли мотам? Ўғлим бир кун сўрар—ку, Қани, деб, отам.

Қандай қилиб, айт, ахир, Дейман ўшанда: «Еб қўйган уруш деган Ёвуз қушанда!»

Сўнг бешикни қучоқлаб, Илинар қўзи... Ўнгими ёки туши, — Билмайди ўзи:

Уруш йўқмиш, оталар Ўлмасмиш энди,

Ёшлар овози

Хулоса

Айни ўсмирлик давримда ерга урса қўкка сапчидиган шўх йигит эдим. Тўққизинчи синфни тамомлаб, лицейга ўқишга кирдим. Ўзини кўрсатишга, биринчи бўлишга интиладиган мактанчоқлик даври эмасми, янги курсдошларимнинг қўлида сўнгги русумдаги телефонни кўриб ичимдан қиринди ўтди. Менинг телефоним оддий эди-да. Дадам “телефон ўқишингга халал беради, аммо ҳавотирланмаслигимиз учун менинг эски “Нокиа”мни ишлатиб тур”, деб берган эди. Ранги ўчган, миттигина шалоқ телефонни ишлатишга уялиб, дарсдан сўнг оймимга тўнғилладим.

— Курсдошларнинг бари охири русумдаги телефон ишлатяпти. Менга ҳам олиб беринглари, энди мактаб боласи эмасман!

— Лицейни аёло баҳоларга тамомлаб, олий ўқув юртига кирсанг даданг истаган телефонинг олиб беради, ўғлим, — деган жавоб баттар аламинимни оширди. Уч йил шу эски телефонни ишлатаманми?!

Дадам ишдан келгач бояги гапимни уларга ҳам айтдим.

— Лицейдан ташқари репетиторга бориб керакли фани ўзлаштиришинг керак. Телефон чалғитади, ўғлим. Гаплашсанг бўлди-да, яна нима керак?

— Флешкаси йўқ, интернетга кирмайди, ҳатто суратга ҳам олмайдми, — дедим йиғламоқдан бери бўлиб.

— Лицейда ишлатишга барибир қўйишмайди-ку! Бошқаларга мактанишинг учун олиб беришим керакми! — фикримни уққандек асабийлашиб жавоб берди дадам. — Гап тамом, телефон олмайсан!

Мен индамай хонамга кириб кетдим, овқатга ҳам чиқмадим. Менинг ҳам шахсий фикрим, истакларим борлигини кўрсатиб қўйишга аҳд қилдим! Ҳамма уй-куга кетгач, уйдан чиқиб кетдим. Ўзимча уларни шу йўл билан кўндирмоқчи эдим.

Тонгги уйимиз орқасидаги автошохбекатда қарши олдим. Ҳали замон ўринда эмаслигини сезган ойм телефон қилиб излайди. Шалоқ телефонимга хушёр қараб ўтирибман. Шу асно қорним очиб, у ёқ бу ёққа алангладим. Сал нарида “каляска”да сомса сотиб ўтирган тенгдошимга кўзим тушди.

— Неча пулдан? — Етти юз сўм, ака. Олинг, уй сомсаси, мазали...

Чўнтагимда беш юз сўм бор экан, холос. — Кейинроқ ташлаб кетарман, икки юз сўмини, берақол, қорин очиб кетди.

— Йўқ, ака, — деди у бошини ҳам қилиб, — адам юз сўм кам чиқса, уйга қўймайди. Ҳаммаси ҳисоб-китобли.

— Ҳм... даданг сомсапазми? — Сомсани опам пиширади, мен сотаман.

— Даданг нима иш қилади? — дея қизиқсиндим унга.

— Дадам уйда... биз ишлаймиз. Жуда қаттиққўл, шунга узр-да, ака. Беролмайман.

— Майли, қўявер, — дедим унга ичим ачиб. — Сомса ҳали кўп экан, дарсга улгурасанми ишқилиб?

— Мактабни тугатгач, ўқимадим. Дадам ишла, дедилар. Меҳнат қилсам пул топаман, ўқиб олим бўлармидим? — деди у ҳафсаласизлик билан.

Йигитчадан узоқлашиб ўйга толдим. Беихтиёр дадам билан унинг отасини қиёсладим. Болалигимдан ўқиб-ўрганишга шароит яратиб, қизиқишларимни эътиборсиз қолдирмаган дадамни бирдан соғиниб кетдим... Қўзларимга ёш келиб, ўйга чопдим. Битта телефонни деб... наҳот уларни қийнаб қўйсам-а! Наҳадан нодонман!

Шошиб калитда эшикни очиб ичкарига кирдим. Энди ювиниб чиққан дадам менга хайрон қаради.

— Қачон тура қолдинг, хали барвақт-ку? — Халиги... сут олгани чиққандим. Тугаб қопти.

— Майли. Бугун тухум қовуриб беради оймнг, — кечаги гапи учун узр сўрагандек сўзлади дадам. — Оймнг билан келаси маошимиздан йигиб бирон тузукроқ телефон олиб беришга келишиб олди. Тўғри, замон ўзгаряпти, ўқийдиган китобларингни жойлаб олиш учун қулай телефон ҳам керак экан...

— Йўқ, йўқ, дада! — шошиб жавоб бердим мен. — Ўйлаб кўрсам, тўғри айтиб-сиз. Талаба бўлганимда, ўзим оламан ўша телефонни! Ҳозир фақат ўқишим керак...

Дадам мени бағрига босди. «Ниятингга етгин», деб дуо қилди. Мана... яқинда талабалик бахтига эришдим. Ота-онам хурсанд. Ахир, ўз билимим билан юқори балл тўпладим-да! Илк стипендиямдан эса уларга совға олдим. Ўша сомсачи бола бўлмаганда, ахтироқ, бу воқеа менга сабоқ бўлмасмиди? Хулосам шуки, бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб фикр!

Нодирабегим ИБРОХИМОВА

Кўсак бўлиб чувилар достон, Эртақ яшар танча қўрида...

Оҳ, опамнинг нозик қўллари, — Қуруқшаган паю қалоқлар!.. Уша эди дала йўллари, Сирға эди унга чаноқлар...

Пахтазорда экиндек, зумда Ўтиб кетди илк севи, эвоҳ! — Энди маъносимиз нима табассумда Ийманганча ялт этар гоҳ-гоҳ.

У йиллардан хотирда яшар Ёшлик деган қувончи даҳшат. Опам унга баъзан кўз ташлар Ва шивирлаб, айтади раҳмат.

Тушунолмай мен уни хайрон: Лаънатламас чўян тақдирини... Алқагандек бўлади осмон Опам бўлмиш бахтли кампирини...

Шулидаги дарғ

Қор тилаб баҳордан, гул сўраб қишдан, Фаслини унутган бир овораман: Айтинг, нима қилдим ошиб етмишдан, — Навоий олдида қандай бораман?

Умрим гулханига ўт қалаш учун Қаламни ўтиндек, хайҳот, ёраман Ва лекин кетимдан эргашар тутун, — Навоий олдида қандай бораман?

Гоҳ нокас юзига, зирқираб жоним, Чаплай деб, номимни лойга қораман, Тилимга чиқади шунда товоим, — Навоий олдида қандай бораман?

Асрим соатининг рақамларига Гардишдаги милдек бир ишораман; Чўп ҳам қўшмай Ҳирот гарамларига Навоий олдида қандай бораман?

Беш-ўнта шеър ёзиб нимжон сўз билан, Шеърят қошида юзи қораман, Киприги тупроқни титган кўз билан Навоий олдида қандай бораман?

Қани юксак орзу, осмоним қани? — Буржидан алашган бир сайёраман; Дастаксиз бошқариб пўчоқ-кемани, Навоий олдида қандай бораман?

Ташимда сиполик қулф урар, аммо Ичимдаги дардан жигарпораман... Бу ночор банданга йўл кўрсат, Худо, Навоий олдида қандай бораман?



Ўйқолган пул

Эндигина талабалик даврига қадам қўйган пайтимиз эди. Сессияга яқин қолганда ким кимга дўстлиги аён бўлади-қолади. Хуллас, мен ҳам шу асно ўзимга яқин дўстлар топдим. Доимгидек ойнинг ўрта-сида стипендия беришди. Ҳаммамиз хурсанд бўлиб пулимизни олдик. Сўнг хонадан чиқиб, жисмоний тарбия дарсига кирдик. Ўша кунги сабоқлар тугагач, нозиккина курсдош қизимиз йиғлаб турибди. Суриштирсак, бугун олган стипендиясини сумкасида кимдир ўғирлабди...

Ҳамма бир бирига шубҳали қараб қолди. Курсбошимиз хонадан ҳеч кимни чиқармай ноқулай бўлса-да, ҳаммани текшириб кўришини айтди. Рози бўлди. Аммо сумка ва чўнтаклардан ортиқча пул чиқмади. Балки жисмоний тарбия дарсига чиқиб кетган маҳалимиз хонага кимдир киргандир... Лекин нега айнан уники йўқолган, қолганларники жойида турибди, хайрон бўлди.

— Энди нима қилдим? Ижара ҳақиға тўлашим керак... — деб йилларда бечора қиз.

Ўша кун қилган хайрли ишимиз шу бўлдики, ҳаммамиз ўртада дўстимизга етарлича пул йиғиб бердик. Бундан кўнгли кўтарилган қиз эса раҳмат дея чарчамасди. Хотиржам бўлиб тарқалишдик. Ўқийшни битирдик, бу воқеа ҳам унутилиб кетди.

Бир кун тасодифан йўлда курсбошимизни учратиб қолдим. Ногиронлик ара-вачасида келаётганди... Кўнглим ғалати бўлиб кетди. У билан четроқда гаплашиб ўтирдик.

— Халиги навоийлик Рухсора ҳозир қаерда экан? Билмайсанми? — сўради у умид билан. Билмаслигини айтдим.

— Аммо топса бўлади. Нега сўраяпсан? — Э, сўрама... Айтишга уяламан. Биласанми... биринчи курсда унинг пули йўқол-

ганди. Ўшанда мен ҳам пулга зориқиб юргандим. Нима бўлиб унинг пулини ўғирладим... Ҳаммамнинг сумкасини текширгандим, эсингда бўлса, меникини биров сўрамади... Хуллас, анча вақтгача виждоним азобланди, Рухсорга кейинчалик қайтарарман, деб тўрт йилни ўтказдим. Энди эса... қўриб турибсан, жазойимни олдим. Айт-чи, уни топса бўладими? Кечирим сўрамасам, бор гапни рост айтмасам, хотиржам бўлмайман... Орадан уч-тўрт кун ўтгач, унга Рухсорнинг манзили ёзилган қоғозни тутқаздим...

Тарсаки

Бир кун ишдан чиққанча машинамга ўтириб уйга шошилдим. Бугун оймнинг туғилган кун. Тезроқ бормасам бўлмайди. Йўқса, харажат қилгани ўзи бозорга чиқиб келади. Қор ёққан, ҳаво совуқ, ўзим машинада олиб бориб келганим маъқул. Аксига олиб мажлис чўзилди, кечикдим.

Светофорда тўхтаганда йўл четини кузатдим. Шу пайт бекатда автобус кутаётган бир аёлга кўзим тушди. Истараси иссиқ кўринди, яхшилаб разм солсам, биринчи ўқитувчим! Болалик хотираларим ёдимга тушиб жилмайдим. Икки қўлида иккита сумка, ҳар доимгидек китоб-дафтарга тўла. Мактабдан чиқиб уйга кетяпти, шекилли. Уст-боши хўл бўлибди. Автобус ҳали-бери келмайдиган кўринди...

Бир кўнглим машинадан тушиб ўқитувчимни уйига элтиб қўяй дедим. Шошилмаганимда, албатта, шундай қилардим. Аммо онамни йўлаб фикримдан қайтдим. Етиб олар, автобус келиб қолар, дея ўзимни овутдим ва йўлимда давом этдим.

Келсам, уйда онам йўқ. Мени кутмай бозорга жўнаб юборибди...

Ярим соатдан сўнг уйга кириб келган онамнинг қўлида лик тўла бозор халта, устлари оппоқ қор...

— Нега мени кутмадингиз, оий? Бирга борардик, ахир! — дедим ачинаб.

— Қарасам, кеч бўляпти, ўғлим... Аканг ва жиянларинг келгунча ошни дамлаб қўймасак улгурмасдик-да...

— Такси тўтингизми ишқилиб? — Ҳеч ким тўхтамас дегин... Йўлга қўл чўза-чўза уйгача келиб қолибман, — деди совуқ қотган қўлларини иситиш илнжида онам, — ҳечқиси йўқ. Бу совуқда автобус кутсам, шамоллаб қолардим-да.

Ўзимга тарсаки тушгандек бўлиб, юрагимда нимадир “жиз” этди. Ўқитувчим кўз олдимга келди...

Қатралар

Тожнисо АШУРОВА

Нурафшон шахри

ингдек,
инг Ибн
ва но-
нома
ри ҳам

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бу галги фестиваль бошқаларидан нимаси билан фарқ қилади, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Биз тезкор, ўзгаришлар, янгича қарашлар ҳаётга татбиқ этилаётган даврда яшаймиз. Замон талабларини ҳисобга олган ташкилотчилар баъзи эскирган анъана ва чегаралар доирасидан чиқишга ўзларидан куч топа билдилар. Аввало, фестивалда намойиш этиладиган спектакллар сони ортди, яъни беш кун давомидида 17 та дебютант спектакллари ва танловдан ташқари яна иккита саҳна асари намойиш этилди. Қолаверса, спектаклларнинг жанри, қамрови кенгайди. Яъни кўрик дастуридан замонавий ва тарихий драма, мусиқали драма, комедия, балет, оперетта, моно ва кўғирчоқ спектакллар ўрин олди.

Кўп ҳолларда фестивалларда пойтахт ва айрим вилоятлар театрлари иштирок этиб келган бўлса, бу сафар афишанинг деярли тўртдан уч қисмини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар театрлари эгаллади. Саралаш жараёнида фестивалда иштирок этиш истагини билдирган 21та режиссёрлик ишидан 17таси қатъий меzonлар асосида танловдан ўтиб, кенгаш тавсияси билан иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Ранг-баранглик нафақат иштирокчиларнинг жойлашиш минтақаси, балки жанр, шакл ва услубда ҳам кузатилди. Томошабин ўрганиб қолган драма, тарихий ва романтик асарлар Ч.Айтматов, Жан Кокто, Ш.Пьерро, ака-ука Гриммлар асарларига янгича ёндошув ва талқинлар, пластик экспериментлар билан ёнма-ён кўрсатилди. Шундай экспериментлар сирасига Жан Коктонинг "Бефарк барно йигит" пьесаси асосида Расулжон Тоғайкулов саҳналаштирган "Сенга интизорман" (Ўзбек давлат драма театри) спектаклини, Азизбек Қурбонов талқинидаги "Эломон" (Қўқон шаҳар мусиқали драма театри), Ферузбек Абдураимовнинг "Яланғоч қирол" (Каттақўрғон шаҳар драма театри) спектаклларини келтириш ўринли. Ҳар учала спектаклни режиссёрларнинг ижодий дадиллиги намунаси дейиш мумкин. Жан Коктонинг шу пайтгача саҳнада деярли ўз талқинини топмаган пьесасини саҳналаштириш Р.Тоғайкуловдан катта матонат ва изланиш талаб этган. Чунки бор-йўғи иккита персонаж иштирок этувчи асар замирида ётган мураккаб инсоний муносабатлар, чигаллик томошабинда қизиқишининг сусайишга олиб келиши мумкинлиги сабабидан режиссёрлар бу асарни саҳналаштиришга жазм этмаган бўлсалар, ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам, ҳали ўзбек саҳнасида бирор марта саҳна юзини кўрмаган бу асар ўзига хос талқинда томошабинларга тақдим этилди. А.Қурбонов Ч.Айтматов асарида унчалик катта ўрин эгалламаган қаҳрамоннинг кичик бир кечмишини асос

қилиб олишга интилган бўлса, Ф.Абдураимов бир қараганда енгил-елпидек туюлган "Яланғоч қирол" эртаги мисолида катта ғояни ўзгача шаклда — метафора ва киноа орқали очиб беришга ҳаракат қилади. Албатта, юқорида тилга олинган уч спектаклни ҳар жиҳатдан мукамал деб бўлмайди. Асарларнинг бирида аёлнинг ҳатто ўзи ҳам тушунолмайдиган ички пўртаналарини актриса маромига етказмаган бўлса, "Эломон"да драматизмнинг етишмаслиги, "Яланғоч қирол"да режиссёрлик топилмаларининг ғариблиги спектакль муваффақиятига путур етказган. Лекин ҳар учала ижодкор визуал, пластик, вокал ва шартли ифода воситалари орқали асарлар замирида ётган умуминсоний ғояларни, азалий, эскирмас мавзуларни очиб беришга интилганлар.

лар ҳам фестиваль ташкилотчиларига, иштирокчилари ва меҳмонларига айландилар.

Ёш санъатшунос Гулҳаб Эрматова шундай деди: — Ёшларнинг аксарияти тарихда бўлиб ўтган жангу жадаллар ва ўтмишдаги буюк қаҳрамон алломаларимиз ҳақида тўлақонли маълумотга эга эмаслар, деган фикрлар онгимни банд этиб турган бир паллада "Дебют" кўрик-фестивалида ўзимнинг бир қатор саволларимга жавоб топгандек бўлдим. Хоразм вилоят мусиқали театрининг "Султон Жалолиддин" спектаклини кўриб ниҳоятда қувондим. Спектаклда буюк саркарда Жалолиддин Мангубердиннинг бемисл кураши, яна бир қатор тарихий сиймоларнинг ёрқин образлари акс этар экан, ушбу воқеалар грим ва либослар, саҳна асари руҳига мос танланган мусиқалар, саҳна декорациялари, актёрларнинг ижро маҳорати ва пластик имкониятлари ила моҳирона кўрсатиб берилган. Спектаклни саҳналаштирувчи ёш режиссёр Журъат Сотиболдиев асарни янгича ёндошувлар билан жонлантира олгани боис спектакль катта ёшдаги ва ёш томошабинларнинг олқишига бирдек сазовор бўлди. Ана шундай саҳна асарлари намойиши ёш авлодни маънан етук, баркамол шахс сифатида камолга етишига хизмат қилишини унутмаслигимиз лозим.

— "Қондошлар" спектакли менда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди бўлажак санъатшунос Рисолат Аҳмедова. — Спектакль давомидида қаҳрамонлар билан бирга йилгадим, уларнинг дардларини ҳис этдим. Бироз мудат бўлса-да, улар билан яшадим. Ҳаётни, ён-атрофимизда бўлиб ўтаётган воқеа-ходисаларни кўрасиз. Бу спектаклда бирор персонаж йўқки, сиз-у бизга бегона бўлса. Санъатсевар халқимизда "Одоб-ни одобсиздан ўрган", деган нақл бор. Дарҳақиқат, театр улкан тажриба, ҳаёт мактаби эканлига яна бир қарра амин бўлдим.

Рустам Пардабевнинг сўзларидан бугунги кун ёшлари юксак умуминсоний ғояларга бефарқ эмаслиги кўриниб турибди: "Қўрғон спектаклларимдан кўпроқ юрагимдан жой олгани Фаргона вилояти мусиқали драма театрининг "Қондошлар" спектакли бўлди. Унда ота ва фарзанд, ака-ука муносабатлари, мол-дунё ортдан қувишининг салбий оқибатлари яққол кўрсатиб берилган. Спектаклни кўрган кунимдан бошлаб ака-укаларим, қариндош, ёру дўстларим билан муносабатларимни янада мустаҳкамлашга киришдим".

Иҳод, изланиш, яратиб ва чексиз муҳаббатдан тузилган спектакллар... Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Дебют — 2018" ёш режиссёрларнинг 5-кўрик-фестивали ана шундай таассуротни қолдирди.

Муқаддас АХМАДЖОНОВА,
театршунос



Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри сеvimли масканларимдан бири. Бўш қолсам ёки қандайдир нохуш ҳаёллар ўз исканжасига олса, кўпинча шу театрға шошиламан. Ёқтирган актёрларимнинг ижроларидан завқланиб тин оламан ва яна ҳаёт оқимиға шўнғийман.

АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

Бир куни Муқимий номидаги театр олдида ўтаётиб афишада "Осмодаги Хулкарим" спектакли ёзилганини кўриб қолдим ва уни томоша қилишга қарор қилдим. Қароримдан ачинадими. Спектакл тугаб, театр биносидан чиққач, оёқларим ўзимга бўйсунмай қолди. Зўрға бориб ўриндиққа ўтирдим. Қанча ўтирдим, билмайман. Бир маҳал, кимдир елкамга кўлини қўйди. Бошимни кўтардим. Қаршимда ҳозиргина бош қаҳрамон ролида чиққан актриса Зулфия Умерова бир қучоқ гул билан қулиб турарди. Шу дамда қаршимдаги бу гўзал актриса ҳаётӣ қаҳрамонимга айланганди. У билан сўхбатлашиш имкониятини қўлдан чиқармадим. Чунки спектаклдаги бош қаҳрамон Хулкар ҳаётининг поёнига етиши менга ҳаётнинг ҳар кунини қадрлашни ўргатди.

З.Умерова Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида туғилган. Отаси Эргаш Умеров санъатга ошурта инсон бўлиб, улариди йигин бўлса, тор чертиб, қўшиқ қуйлаб, меҳмонларни хушнуд қиларди. Онаси Ойша Умерова эса, китоб ўқишни сеvardи. Шеърӣ китобларни мутолаа қилаётиб фарзандларига ҳам шеър ёд олдирадди. Санъатга, адабиётга меҳр қўйган инсонлар оиласида б нафар фарзанд вояга етди. Ҳозирда ҳаммалари жамиятимизнинг турли жабҳаларида фаолият юритишяпти.

Зулфиядаги истеъдодни, қобилиятни, кучли овозда юқори пардалардаги ижроларни айтмайсизми! Шунинг учун унга бош ролларни ишониб топширишди, чамамда. Кино, телесериал яна бир қатор кўрсатувларга тез-тез таклифлар тушади. Аммо Зулфия театр актрисаси эканини, зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилади. Йиллар Зулфияни янада чархлади. Бугун у мусиқали театрдаги маҳоратли солист-вокалистларнинг пешқадами. Аксарият режиссёрлар яратмак асарида Зулфияни кўради, унинг имкониятларига ишонади.

— "Тоҳир ва Зухра" дек дурдона асарга кўл урганимда бош қаҳрамон тин солида Зулфияни кўрдим, — дейди таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳад Фармонов. — Зухра образини кучли талқин қила олишига ишонгандим. Шундай ҳам бўлди. Спектаклни кўрган томошабин Зухрани севиб қолади, янгича талқин асносида ўз дунёсини кашф этади, деб ўйлайман.

Улкан адиб Чингиз Айтматовнинг 90 йиллиги муносабати билан бошқа жамоалар қатори Муқимий номидаги мусиқий театрда адибнинг "Сарвақомат дилбарим" асари саҳналаштирилди. Мирза Азизов режиссёрлигида тайёр-



ланган ушбу спектаклда Зулфияга Асал образи топширилди. Актриса Асалнинг дард-аламлари, сеvgиси оламида бир неча ой яшади. На-тижада ижро, ария ва армонли қўшиқлар, айниқса, тушқунликка тушган онанинг боласига айтган дарди, нолали аллеси жуда таъсирчан чиқди. Томошабин том маънода Асални кўрди, у билан бирга қулди, унга қўшилиб дард-алам чекди.

— Танлаган касбимдан гурурланаман, менга берилган қаҳрамонлар кечинмалари, қувончлари дарду ҳасратлари билан яшайман, — дейди қаҳрамонимиз. — Образларни саҳнада маромига етказиб ўйнашимда устозларим Мирза Азизов, Аҳад Фармонов, Маъруф Отажоновнинг, ва албатта, институтда таълим берган устозларимнинг ўғитлари ёрдам беради. Топширилган вазифани мукамал ўзлаштиришга ҳаракат қиламан. Наима Пўлатова, Марям Ихтиёрова, Малика Қаюмова, Одина Фозиева каби элимиз суйган санъаткорлар билан бир жамоада ижод қилаётганимдан фахрланаман. Театримизга ишга келаятган ёшларга ҳам бефарқ эмасман. Хо-ҳиши бўлса, ўзим талқин қилаётган ролларни ўргатишга ҳаракат қиламан. Театр — қутлуг даргоҳ, мўъжизалар қасри. Дарҳақиқат, бу театр қанча истеъдолару мўъжизавий овоз соҳибларини кўрмади, дейсиз. Бугун ҳам уларнинг анъаналарини давом эттираётган катта ва ўрта авлод билан бир қаторда Зулфия Умеровага ўхшаган ёшларнинг театр анъаналарига содиқ қолиб ижод қилаётганлари қувонарли ҳолдир.

Холида ҚОБУЛОВА

“УВАЙСИЙМАН”

мумтоз шоира ғазаллари асосидаги кантата

Мумтоз адабиётга академик мусиқа ёзиш композитордан чуқур билим, тажриба, ўзбек мумтоз мусиқасининг сирасорларидан воқиф бўлишни талаб этади.

Мустақиллик йилларида миллий мусиқа ва мумтоз адабиётга юксак эътиборнинг самараси ўлароқ янги мавзулар, жанрлар ва шакллар ўзлаштирилиб, миллий ва замонавий мусиқа синтези борасида қизикарли ижодий ишлар амалга оширила бошланди. Пировардида композиторларимизда классик шoirларимиз асарларига қизиқиш янада кучайди. Хусусан, М.Ашрафий-

нинг Алишер Навоийнинг "Саъбаи сайёр" асари асосида "Дилором", Фурқатга бағишланган "Шоир қалби", М.Бурҳоновнинг "Навоий" опералари, "Алишер Навоийга қасида"си С.Юдақовнинг Навоий ғазалларига романслари, С.Бобоевнинг Муқимий ғазалларига хор учун "Навобахор" асари, С.Жалилининг Атоий, Завқий, Фуркат ғазалларига ёзган романслари, М.Бафоевнинг "Хамса" бешлиги асосида яратган операси шулар жумласидандир.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон давлат консерваториясининг "Бастакорлик ва чоғлаштириш санъати" кафедраси профессори, композитор Ойдин Абдуллаева ҳам айнан шу йўлда ўзини сынаб кўрди. Консерваториянинг катта залида бўлиб ўтган концерт дастурида янраган О.Абдуллаеванинг якканавоз чоғулар ва хор акапелла учун етти ғазалдан ташкил топган "Увайсийман" деб номланган кантатаси юқоридаги фикримизнинг далилидир. Шу ўринда асар ижроси олдида Ўзбекистон халқ ҳофизини, профессор Маҳмуд Тожибоевнинг айтган қуйидаги фикрлари эътиборга молик, деб ўйлаймиз: — Бу ҳозир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз, десам адашмаган бўламан. Бундан икки ярим аср илгари яшаб ўтган ўзбек

аёли, бетакор шoirанинг дарду кечинмаларидан Ойдин бизни хабардор қилмоқчи. Инсон қалби кенг, кечинмалари чексиз. Ана шундай юксак фалсафий ўйларни шеърятда акс эттириш алоҳида ноёб қобилиятли одамларга насиб қилади. Увайсий ана шундай инсонлардан бири.

Маълумки, шоира Увайсий асарлари чуқур мазмунли, юксак бадиияти билан барча даврлар

хофизларини ўзига тортиб келади. Лекин академик мусиқа йўналишида ижод қилувчи композиторлар томонидан шу кунга қадар Увайсий ғазалларига мурожаат қилинмаган эди. Бу ишга илк мартаба қўл урган Ойдин Абдуллаеванинг асарлари нафис ва жозибadorлиги, чуқур мазмунга эгалиги билан ҳаммаша мухлислар эътиборини тортиб келган. "Увайсийман" кантатаси ҳам миллийлиги ва мушоҳадага чорлаши билан аҳамиятлидир.

Янги ижод намунаси созандалар С.Абдуллаев (кунун), А.Зуфаров (танбур, сато), А.Мансуров (доира), Д.Нурметова (сўз устаси) ва Ширин Бобонова раҳбарлигидаги Ўзбекистон давлат филармониясининг ака-

пелласи жўрлигида янгради.

Жаҳон Отин Увайсийнинг "Увайсийман", "Бўлмишан", "Менга", "Келурмиш", "Ўргилай", "Соғиндим", "Салламно" номли етти ғазали учун ноодатий чоғулар таркиби ва ўзгача ижро талқини бир-бирини тўлдириб, залга йиғилганларга ўзгача кайфият бағишлади. Шоира ғазалларини аёл сифатида ҳис этган композитор ҳар бир ғазалга мос ифодали ва таъсирли мусиқий оҳанглар топа билган. Масалан, ҳасби ҳол руҳидаги биринчи ғазал шoirанинг дард-алам ва бошидан кечирган ситамлари ҳақида бўлиб, композитор уни сўзсиз тарзда, сирланган, дардли оҳанглар орқали ёритишга ҳаракат қилган. "Соғиндим" радифили ғазалида эса шoirанинг ўли Муҳаммадjon сарбозликка юборилиши муносабати билан фарзандидан олисда бўлган онанинг чексиз эътироблари, соғинчи мусиқанинг драматик шиддатиде акс этади. Ғазални Дилфуза Нурметова самимий ва ўта таъсирли ўқийди.

Умуман олганда, О.Абдуллаеванинг "Увайсийман" кантатаси ижросида анъанавий ва академик вокал ижро анъаналари, жанр ва шаклларнинг синтез қўрилиши намойён бўлди. Бу каби асарлар композиторлик ижодиётида янги уфқлар очилишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Шаҳбозбек АБДУХОШИМОВ,
Консерватория талабаси

ДИЛАДАГИ ГАП

Ўзбекистон миллий телерадиоканпаниясининг "Ёшлар" телеканалида бир неча бор намойиш этилган "Жиблажибон" ҳажвий сериали ўз томошабинларини топди, мухлислар юзига табассум, кўнгиллариға кўтаринки руҳ бағишлади.

Бирок таниқли адиб Шойим Бўтаевнинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" (2018 йил 5 октябрь) газетасида босилган "Жиблажибон" экранга қайтарилмади?" мақоласида ҳақли таъкидлангандек, сериал воқеалари қизин паллада узилиб қолган. Минглаб томошабинларни эса унинг давомии, воқеалар ривожии, қаҳрамонлар тақдири қизиқтираётгани бор гап.

Маълумки, ҳажвий асар ёки томоша шунчаки қулдириш учун эмас, жа-

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ НИМАНИ ТИНГЛАЯПТИ?

«Ойнаи жаҳон» орқали тез-тез турли кўнгилоҷар кўрсатувлар эфирға узатиляпти. Хусусий телеканалларда-ку, ҳар дақиқада. Ана шундай кўрсатувлар орасида «ZO' R TV» телеканали орқали ҳар ҳафта омма эътиборига ҳавола қилинадиган «Real xit» кўрсатувини кўпчилик томоша қилиши бор гап.

Яқинда шу кўрсатувнинг бир соғниға гувоҳ бўлдим. Одатдагидек, бошловчи турли манзиллардаги одамлардан қайси хонанданинг ашуласини эшитаётганини сўради. Ҳар ким қулоғига чалинган қўшиқларни айтди. Микриб эшитганларини мактаб, микрофонда қуйлаб бермоқчи бўлганларнинг аксарияти ёшлар. Аччиқ ҳақиқат шундаки, ўша тенгдошларимизнинг кўплари нимани айтаётганини яхши англашмайди, ҳис ҳам қилишмайди. Ўша ёшлар эшитаётган қўшиқларнинг аксариятида, тан олиб айтиш керак, савия саёз, маъни йўқ! Мана, ёшлар нимани тинглаяпти? Бунга ёшлар кўникиб қолаётгани ташвишлантиради.

«Mening yurtim» телеканали кўрсатувларининг бирида ҳам

бошловчи одамларни шу таклид сўроққа тутди. Фақат фарқи — у қандай ашула эшитаётганини эмас, мантиқий саволларига жавоб сўради. Шартни бажара олмаган иштирокчи қўшиқ айтиб бериши керак экан. Хўш, нега айнан қўшиқ?

Хуллас, мен гувоҳи бўлган кўрсатувда қатнашган йиғирма чоғли ёшлардан биронтаси шеър айтмади. Тўғрироғи, айта олмади. Китоб ва рақамламадан кейин, қандай шеър айтсан? Қуйлаган қўшиғининг-ку, тайини йўқ! Мана, ёшлар нимани тинглаяпти?!

«Navo» телеканали эфирға уза-

тадиган «Navo shou» кўрсатуви-

нинг шартлари кўпчиликка аён

бўлса керак. Ашулани аввал қуй-

идан, сўнг сўзидан биласиз.

Охириги шарт бироз галатирик. Мен иккинчи шартнинг ҳангома-сини сўзламоқчиман: бошловчи "бир нима-бир нима" деди, аранг тушунганимиз шу бўлдики, у қандайдир қўшиқ матнини ўқийётган экан. Иштирокчилар топишолмади. Ҳа-да, қаердан ҳам топсин — шеър эмас, турли гап-сўзларга оҳанг басталанганидан кейин. Хуллас, кўрсатувдаги ёш ижрочилар аранг шартни тугатишди. Ростии, жуда уялдим...

Яқинда юртимизда улкан санъат байрами бўлиб ўтди. Халқро мақом санъати анжумани бутун жаҳоннинг нигоҳини Ўзбекистонга қаратганига гувоҳ бўлдик. Ҳавас қилса арзигулик санъатимиз борлигидан қувондик. Фақат уни оммага, айниқса, ёшлар онгига сингдиришда бироз фидойилик зарур.

АҚШда "Шашмақом" академияси бор экан. Илк бор бу ҳақда эшитганимда жуда сеvingанман. Денгиз ортидаги юзлаб санъат шинавандалари мумтоз қуй ва қўшиқларимиздан баҳраманд бўлмоқда. Афсуски, кўплаб тенгдошларимиз халқимизнинг бой маънавий меросидан бе-хабар.

Ёшларни китоб ўқишга ўргатиб, уларда энди адабий, бадиий «иммунитет»ни ҳам шакллантириш лозимки, ёшлар нимани ўқиши, нимани томоша қилиши, нимани тинглаш кераклигини ўрганишини! Бу жараёнда хусусий телеканаллар ҳам четда турмаслиги керак.

Ҳабиб СИДДИК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Отабек ИСРОИЛОВ,
Ўзбекистон журналистика ва
оммавий коммуникациялар
университети талабаси

СОҒЛОМ ИЖОДКОР ЗАВҚЛИ АСАР ЁЗАДИ

Тиббий хизмат соҳаси ва халқимиз саломатлигини яхшилаш борасида кейинги икки йилда Президентимизнинг ўнлаб фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг етмишдан зиёд ҳужжатлари қабул қилинди. Шунинг ўзиёқ "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун!" деган эзгу тамойилни ҳаётга жорий этишдаги фидойилик, ғамхўрлик ва эътиборни яққол кўрсатиб турибди.



Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Халқ тиббиёт соҳасига қанчалик ишонса, давлатга ҳам шунчалик ишонади. Халқ кўрсатилаётган тиббий хизматлардан рози бўлса — давлатдан, бугунги юртилаётган сиёсатдан ҳам рози бўлади". Давлатимиз раҳбари яқинда 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун муносабати билан ўтказилган тадбирда ҳам тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, тиббиёт ходимларининг рисоладагидек фаолият кўрсатиши учун, аввало, замон талабига мос шарт-шароитлар яратиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Омади гап бўлди. Чунки, тиббиётнинг ўзгармас қоидаси бор: касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал. Хасталикларни эрта аниқлаш ва олдини олиш билан бугун юрак-қон томир, саратон, қандли диабет каби касалликларни даволаш кўрсаткичларини ошириш мумкин. Бунинг учун стационар даволаш, поликлиникалар фаолияти самардорлигини яхшилаш, уларнинг моддий-техника ҳамда малакали кадрлар базасини мустаҳкамлаш талаб этилади.

Мамнуният билан эътироф этиш керакки, давлатимиз раҳбарининг шу йил 7 ноябрдаги "Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатланти-

ришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам соҳа ходимларининг ижтимоий ҳимоясини янада яхшилаш, уларнинг моддий манфаатларини ошириш, самарали ишлаш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни белгилаб берди. Ушбу ҳужжатга кўра, давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатида ҳақ тўлаш миқдорлари 2018 йил 1 декабрдан 20 фоизга, 2019 йил 1 апрелдан 15 фоизга босқичма-босқич тарзда оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари" тўғрисидаги қарори ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида асосан, тиббиёт тизимининг 2025 йилгача мўлжалланган етти йиллик ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Унга кўра, биринчи навбатда соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш ва молиялаштириш тизими тубдан такомиллаштирилади, тиббий сўғурта тизими хо-

рий қилинади. Концепцияда давлат-хусусий шерикликда тиббиёт тизимини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилади. Шу ўринда айтиш лозимки, эндиликда хусусий тиббиёт муассасаларида ихтисослик турлари 50 тадан 126 тага кўпаяди. Уларга солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилади.

Тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш халқимизнинг саломатлигини асраш мақсадида янгидан қурилаётган кўлаб тиббиёт марказлари ҳамда чет элдаги юқори малакали мутахассисларнинг жалб этилиши ватандошларимизнинг чет элларда сарсон бўлишининг олдини олиш маблагларини тежаб қолтиришга қаратилган. Мисол учун, 2016 йилгача бўлган даврда ҳар йили юртимиздан 20 минг нафардан зиёд беморлар ташқи тиббиёт туризми йўналишида даволаниш учун чет давлатларда даволаниб келар эди. Бунинг учун кетган харажатлар, ҳужжатлар тўлаш учун овозгарчиликларни бир тасаввур қилинг. Имконияти мавжуд бир бемор учун камида 12-15

минг АҚШ долларидан кўпроқ маблаг зарур бўлган. Масалан, Ёзувчилар уюшмасининг йигирма нафардан кўпроқ аъзоси сўнгги 2 йил ичида турли касалликлар билан чет элларда даволанган. Мураккаб жарроҳлик амалиётининг атиги олтигаси юртимиздаги тиббиёт марказларида ўтказилган. Тиббиёт соҳасини юксалтиришга қаратилган ҳужжатлар қабул қилинишининг нақадар долзарблиги ушбу рақамлардан ҳам кўриниб турибди.

Поликлиникамизда, асосан, ижодкорларга тиббий ёрдам кўрсатилади. Ушбу масканда самарали меҳнат қилишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан, жорий йилнинг 26 ноябридан 29 декабрга қадар республикамизнинг барча даволаш-профилактика муассасаларида "Патронаж ойлиги" эълон қилинган бўлиб, халқимизни барча ёш тоифалари бўйича тўлиқ кўриқдан ўтказиш, уларнинг саломатлигини доимий назоратга олиш белгилаб берилган. Жумладан, поликлиникамизга бириктирилган барча ижодкорлар ва уларнинг оила аъзоларини тўлиқ қамраб олган ҳолда патронаж хизматини олиб бориш ишлари йўлга қўйилган. Ёзувчилар уюшмасига янги бириктирилган аъзолари соғлигини текшириш ва поликлиниканинг контингент рўйхатига киритиш ишлари амалга оширилди.

Юртимизда аҳоли саломатлигини асрашга қаратилаётган улкан эътибор инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари олий қадрият, унинг фаровон турмуш кечириши, бахту саодати эса бош мақсад эканлигидан далolatдир.

Анвар РАЖАБОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
поликлиникаси бош шифокори

Нигоҳ

Пойтахтимиздаги Халқаро Маданият карвонсаройида "Тумор" ижодий гуруҳи аъзоларининг "Она замин шукӯҳи" номли экспозицияси санъатсевар мухлисларга унутилмас таассуротлар бахш этди. Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган кўргазмада гуруҳ аъзоларининг олтишидан ортиқ ижод намуналари намойиш этилмоқда.

Портрет, манзара, натюр-морт жанрига доир суратларда инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик яққол акс этган.

Гуруҳнинг ўн беш нафар аъзоси юртимизнинг турли гўшаларида тез-тез сафарларда бўлиб, одамларнинг яшаш тарзлари, меҳнатда эришаётган ютуқ ва муаммолари билан қизиқишди. Рассомлар навбатдаги сафарда қадимий Бойсун ва Филон қишлоқларида бўлиб, кўрган-кечирганлари, воқеа-ҳодисаларга муносабатларини акс эттиришда ўзига хос бадиий ечимлар топишган.

ОНА ЗАМИН ТАРОВАТИ



Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатининг таниқли вакилларида бири Бобур Исмоиловнинг "Нарративлар" деб номланган кўргазмаси томошабинларга манзур бўлди. Экспозициядан муаллифнинг элликдан зиёд асари ўрин олган. Рассомнинг асарлари ўзига хос талқини, фалсафага мойиллиги билан ажралиб туради. "Нарратив" сўзи лотинчада ҳикоя қилиш, сўзлаб бермоқ маъносини англатади. "Европанинг ўғирланиши", "Биринчи қор", "Ҳайкирик", "Амазонка" сингари ишларида сюрреалистик сюжетларнинг ихчам ва аниқ ифодасини кузатамиз. "Биринчи қор" номли суратда қаргаларнинг суюниши беихтиёр томошабинлар қалбига кўнади. Рассом ҳар сафар санъатсевар мухлисларини ўзи кашф этган гаройиб оламга чорлаб, уларга умидбахш орзулар бахш этади.

С.ҚОСИМОВА

А.ПОПОВ олган сурат

Ойнадан ўпкалама

КАТТАЛАР УЧУН ТОПИШМОҚЛАР

У корхонага раҳбар бўлиб келгач, бад-феъллигидан ходимлар ишдан бўша кета бошлади. Сабабини сўрашганида, у деди: "Аввалги раҳбар қўлидан иш келмайдиган қаланги-қасангиларни ишга олган экан. Мен ҳаммасини ҳайдадим".

(дегед хўш)

Маҳаллага янги келин тушди. Чилласи чиқмасидан порталга ёзди: "Олтиш яшар маҳалла раиси Раҳим амакининг уйи қаср, бизники хонавайрон бўлиб ётибди".

(жилингиз)

Урсанг ҳам, сўксанг ҳам, янчиб ташласанг ҳам ўзгармайдиган иллат.

(жигитиёқ)

Махмуд Кошгарий ~ 950

давлат, сулола рамзи бўлмиш тамга, тавқеъ, муҳр каби маъноларида ҳам келган.

Махмуд Кошгарий тамга ҳақидаги илк маълумотини китобнинг "Турк табақалари ва қабилаларининг баъни ҳақида"ги назарий қисмида битган. Чунончи: "Турклар аслида йигирма қабилалар. Улар ҳаммаси Нух пайғамбар ўғли Ёфас, Ёфас ўғли "Турк"ка бориб тақаладилар... Ҳар бир қабиланинг санокиси аллақанча уруғлар бор. Мен булардан асосини она уруғларини ёздим, шахобчаларини ташладим. Фақат ўғуз туркманларининг майда уруғларини ҳам, уларнинг молларига қўйладиган белги(тамга — Б.Р.)ларини ҳам ёздим, чунки одамларда буларни билишга эҳтиёж бор эди".

Тамга ҳақидаги иккинчи қимматли маълумот ва нодир тасвирлар лугатнинг "Фаъал, фаъул, фаъил каби ўрта ҳарфи ҳар хил шаклда қўлла-нуви сўзлар" бўлимида йирик туркий қавмлардан ҳисобланмиш тўғузларга ёзилган хабарда учрайди. Чунончи: "Оғуз — туркларнинг бир қабиласи. Ўғузлар туркманлардир. Улар йигирма икки уруғдир: уларнинг ҳар бирининг махсус белгилари, молларига хос тамгалари бордирким, уруғларни шу тамгаларига қараб айирдилар.

Биринчиси ва бошлиқлари: қиңқ — қиңқлар-

БУЮК ФИЛОЛОГ

муҳимдир. Шу ниятдан келиб чиқиб, "Девону луғотит турк"да битилган ва тарих фани учун ниҳоятда қимматли бўлган ҳамда ўзида ижтимоий, сиёсий маъноларни ташувчи, яъни давлат нишони, давлат рамзини ва наслдан наслга қолувчи мулк белгисини билдирувчи тамга (муҳр), туғрағ сўз(атама)лари ҳамда тамга сўздан ясалган тамғалади феълли ҳамда тамғалик от сўзлари ва изоҳлари билан қизиқиб кўрдик. Махмуд Кошгарий лугатда тамга (Тамга — турк, мўғул халқлари орасида қабилла, уруғ, кейинчалик давлатнинг рамзи, муҳр) сўзи ва бу сўз аналган тушуноча ҳақида ўнга яқин маълумот ва туғрағ (Туғро — 1. Подшоҳ, хон каби олий ҳукмдорларнинг фармон ва ёрлиқлари ёзилган қоғознинг энг тепасига туширилган махсус безакли белги, давлат нишони). Маълумотларидан, биринчидан, қабилаларнинг хусусий мулкларни бўлиш чорва молларига урилган мулк белгиси тамга маъносидан ва у туркий халқларнинг ўтмиши, менталитети, эзгу мақсадларини ўзида мужассам этган тамгаларнинг йигирмадан ортиқ расми ёзув тасвирларини илова қилган, иккинчидан, давлат нишони, белгиси сифатида олтинга урилган тамга, учинчидан, қулдорларнинг ўз қулларига босадиган хусусий тамғаси ва тўртинчидан эса ҳукмдорларнинг авлоддан-авлодга қолувчи хонлик, ҳукмдорлик белгиси ва

дир. Замонамизнинг ҳоқонлари шу қиңқлар уруғидандир". Яна у девонда йигирма иккита уруғ номи ва "тамғаси шундай", деб йигирма битта уруғ тамғасини расми билан кўрсатган. Тамғалар тасвири берилмаган жарлуқлар ҳақида эса "Йигирма иккинчиси, яъни жаруғлуқлардир. Буларнинг сони оз, тамгалари номаълумдир", деган қисқа тушунтириш ҳам ёзган. Умуман, Махмуд Кошгарий ўзининг кузатувлари асосида ўз тамғасига эга деб иккинчи қабилла номидан бошлаб, то йигирма биринчисигача "тамғаси шундай", деб тарих фани учун муҳим маълумотни битиб қолдирган. Махмуд Кошгарий тарихий шарҳи ҳақида муаллифнинг ўзи синчи сифатида лугатда шундай хабар битган: "Бу қабилаларни билишга одамларнинг эҳтиёжлари борлиги учун бирма-бир изоҳ қилдим. Бу тамғалар уларнинг моллари ва поддаларининг белгисидир. Моллари аралашиб кетганда ҳар қабилла ўз моллини шу тамғалардан айириб олади".

Тилшунос тамга ҳақидаги учинчи маълумотини лугатга киритган уруғлуғ олтин қўшма сўзида ёзган, яъни "Уруғлуқ олтин тамга урилиб, пул қилиниб кесилиб, муҳр босилган олтин (олтин ақча)". Демак, давлат нишони, белгиси — тамғаси бор олтин, яъни ишлов берилмаган, давлат назоратидан ўтмаган ҳар қандай олтин. У тамга хусусидаги тўртинчи маълумотни айнан тамга сўзи билан эмас, балки азитти сўзи

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Ҳа.и.қ.р.лари.и.ш.з:
ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
Сайтнинг ўзини ўқиб QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ў'zbekiston adabiyoti va san'ati
Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Санаёт бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЁР
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Адади — 5825. Бюрогига Г — 1282. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Навр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

Тахриратга келган қўёғмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтариб берилмайди.
Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.
Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топириш вақти — 21.00. Босишга топирилиди — 21.35
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВА НАРХИ ЭРККИ
ISSN 2381-614X
1 7 7 2 3 8 1 6 1 4 0 0 0